



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Самарқанд Давлат университети  
ректори Р.И.Халмурадов



**КЕЛИШИЛГАН**  
СамДУ башланғич касаб а уюшмаси  
қўмитаси раиси Х.Тўхтаев

# Самарқанд Давлат университети УСТАВИ

Самарқанд-2019

## **I. Умумий қоидалар.**

1. Самарқанд Давлат университети Ўзбекистон Ҳукуматининг тегишли қарорига асосан 1927 йил 22 январда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Самарқанд Давлат университети (бундан кейин университет) давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча (ёки фақат асосий) таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик, илмий-методик, бошқа шу каби фаолиятларни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари Фармонлари, ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур уставга амал қилади.

4. Университет юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Университет жойлашган манзил: 140104, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.

Самарқанд Давлат университети

Самарқанд ш. Университет хиёбон, 15.

ШХР: 100010860184017094100079001

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 23402000300100001010 МФО 00214

Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳри

ИНН: 201213338, 201122919

Самарқанд Давлат университети (СамДУ)

Самарқандский государственный университет (СамГУ);

Samarkand State university

## **II. Университетнинг асосий вазифалари.**

5. Университетнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги таҳсил олиши орқали қондириш;

- ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустақамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

- илмий-педагогик ходимлар, таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали илм-фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим

жараёнида фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг мувофиқ соҳалари учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;
- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш;
- университетда профессор-ўқитувчилар ва олимлар томонидан тайёрланган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ҳамда бошқа ўқув-услугий адабиётларни университет Кенгашининг қарорига асосан Самарқанд Давлат университети учун нашрга тавсия этиш.

### **III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

#### ***а) талабалар:***

6. Университетга амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотларига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади. Айрим йўналишлар бўйича тест синовлари билан бир қаторда, кўшимча касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар таклифлари асосида Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади, Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тожик тилида олиб бориладиган таълим йўналишларига қабул кўп балли тизим бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Университетга қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-шартнома бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-шартнома квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

Университет ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган абитуриент университетнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

7. Университет талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;
- университет ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;
- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда университет маъмурияти факультет ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

- университет ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот ишларида, илмий конференцияларда қатнашиш, уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

- университетда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

- ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий ва бошқа қонунчиликка зид бўлмаган жамоат ишларида иштирок этиш;

- ўқишдан бўш вақтларида университетнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишлаш;

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-шартнома асосида ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Навоий ва Улуғбек, Ислом Каримов номидаги Давлат стипендиялари, Самарқанд Давлат университетида таъсис этилган академиклар Акбар Отахўжаев, Воҳид Абдуллаев, Ғафур Ғулом, Ботирхон Валихўжаев, Яҳё Ғуломов, Иброҳим Мўминов, Саъди Сирожиддинов, Қодир Зокиров, Жўра Саидовлар номидаги стипендиялар, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Талабаларга ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва ундан кейинги шунингдек, болаларини парвариш қилиш таътиллари даврида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим олаётган талабаларга олий таълим муассасасида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. Талабалар турар жойига муҳтож талабалар университетнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар университет маъмурияти томонидан молия-режалаштириш бўлими билан келишилган ҳолда белгиланади.

Турар жойга муҳтож талабалар бўлгани ҳолда университетнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

12. Университетдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган олий таълим

муассасаси талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш, ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Университетдан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган талабаларни талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

Университетнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларнинг ўқишини университетга кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби, қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. Университет талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда университетнинг уставига, ички тартиб-қоидалари ва талабалар турар жойлари қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Ушбу устав ва университетнинг ички тартиб-қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан эълон қилиш ҳамда талабалар сафидан четлаштириш.

Талаба университетдан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;  
б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;  
в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);  
г) ўқув интизомини ва университетнинг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;

д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

з) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

и) вафот этганлиги сабабли.

Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба университет ректори буйруғи билан курсида қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсида қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуйи курсдаги ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

Талабалар ўқув юкмаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизими жорий этилган университетда академик қарздорлиги туфайли курсида қолдирилган талабалар қуйи курсдаги тегишли ўқув

семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модуллерни) такроран ўқиши мумкин.

Курсида қолдирилган талаба юқоридаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин.

Университет маъмурияти ташаббуси билан 14-банднинг “е)” кичик бандига кўра талабаларни ўқишдан четлаштириш бошланғич касаба уюшмаси кўмитасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур банднинг “г)” кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, университетнинг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

Интизомий жазога тортилган талаба ўзига қўлланилган жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда университет ректорига ва бошқа ваколатли ташкилотларга норозилик билдириши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва ундан кейинги ҳолати билан боғлиқ бўлган таътилдалиги пайтларида талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин эмас.

Талаба университетдан четлаштирилганда, унга (ота-онаси ёки ҳуқуқий васийсига уларнинг аризаси билан) шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Талабанинг бетоблиги унинг ўзи (ёки унинг ота-онаси) томонидан ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирилмасдан университетга маълум қилинади.

#### **б) тингловчилар:**

16. Университет қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий марказида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича университетнинг мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

#### **в) докторантлар:**

17. Таянч докторантура – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасиз изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

Докторантура – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар

томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали ва илмий-педагог кадрларнинг ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш мустақил изланувчилик шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мустақил изланувчилик – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори ёки фан доктори илмий даражалари учун ОТМ ва ИТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Университетнинг докторантлари ва мустақил изланувчилари муайян йўналиш бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган ва докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

18. Университет таянч докторантура(PhD)сига олий таълим муассасаси магистри даражасига ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун), ёки олий маълумоти (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлиши, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторантурага кирувчиларга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражаларга эга бўлган шахслар уч йиллик муддатга қабул қилинади.

Мустақил изланувчиликка магистр даражасига ёки фан номзоди илмий даражасига, камида икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган, илмий-технологик ишланмаларда иштирок этган ва ҳ.к.) шахслар расмийлаштирилади.

Докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул қилиш ҳамда докторантлар ва мустақил изланувчиларга диссертация устида ишлаётганлар учун имтиёзлар бериш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширилади.

**г) университетнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари:**

19. Университетда профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик-техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради (ўқитувчи-стажёр лавозими ЎзР ВМнинг 2008 йил 1 августда қабул қилинган “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарорига асосан киритилди).

20. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ университет проректорлари ректор тавсиясига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан

келишилган ҳолда тайинланади. Факультетлар деканлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги билан келишилган ҳолда университет ректорининг буйруғи билан тайинланади.

21. Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда университет ва факультет кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

- университетнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

- университетнинг ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- университет маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда муурожаат қилиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

- ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ва бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш;

- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий, ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

- хорижий етакчи олимлар, илмий марказлар ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиришда иштирок этиш;

- назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий-тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, фундаментал, амалий ва инновация лойиҳалар, хорижий илмий лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

- дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, монография ва илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олишларини амалга ошириш;

- тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий-тадқиқот ишлари муҳокамасида иштирок этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишлар натижаларини нашрга тавсия этиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш;

- ҳар йили ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқиш, санатория ва курортларда соғлиғини тиклаш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

22. Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат ва ижро интизоми, университет устави, ички меҳнат тартиби ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш;



- ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

- иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалар ва бошқа шахслар билан хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш;

- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкнамалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташқилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув адабиётлари, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

д) кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

- муассасанинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

- муассаса жамоатчилиги ишларида қатнашиш;

- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

- замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарлигини, меҳнатга бўлган қобилиятини шакллантириш;

- чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

- “Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрناк бўлиш;

- кийиниш маданиятига риоя этиш;

- республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

- университет, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

- ўзи ўқитадиган фан дастурини фан ва техника ютуқлари асосида мунтазам бойитиб бориш;

- дарсларни юқори савияда ўтиш;

- фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

- ҳар ўқув йили бошлангунига қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ўқув ишчи дастури, календарь режаси, рейтинг

назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлатиш;

- рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;
- талабалар билимини холисона баҳолаш;
- дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш;
- илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;
- талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда

фаол қатнашиш.

23. Университет профессор-ўқитувчилари, ходимларининг чет элларга хизмат сафарлари вазирликнинг 2005 йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат йўриқнома асосида амалга оширилади.

24. Университет профессор-ўқитувчилар таркибини камида уч йилда бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

25. Университетнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

#### **IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар.**

26. Университет олий таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 3-4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунига биноан таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура йўналишининг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига асосан тайёрланган муайян мутахассислик бўйича “магистр” даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

27. Университет йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади.

Университетнинг ишлаб чиқаришдан ажралган ўқув шаклидаги бакалаврият ва магистратураси

#### **Бакалаврият\*:**

1	5110700	Информатика ўқитиш методикаси
2	5110800	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
3	5110900	Педагогика ва психология
4	5111100	Муסיқа таълими

5	5111300	Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда)
6	5111600	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
7	5111700	Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш
8	5111800	Мактабгача таълим
9	5112000	Жисмоний маданият
10	5112100	Меҳнат таълими
11	5120100	Филология ва тилларни ўқитиш:
		ўзбек тили
		рус тили
		тожик тили
12	5120300	Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)
13	5120400	Археология
14	5120500	Фалсафа
15	5130100	Математика
16	5130200	Амалий математика ва информатика
17	5140100	Биология (турлари бўйича)
18	5140200	Физика
19	5140300	Механика
20	5140400	Астрономия
21	5140500	Кимё
22	5140600	География
23	5140700	Гидрометеорология
24	5141000	Тупроқшунослик
25	5210200	Психология (фаолият турлари бўйича)
26	5230100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
27	5231700	Кадрлар менежменти
28	5320100	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси(тармоқлар бўйича)
29	5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
30	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
31	5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси
32	5520100	Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)
33	5610500	Спорт фаолияти (хотин-қизлар спорти йўналиши бўйича)
34	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**Магистратура\*:**

1	5A110701	Таълимда ахборот технологиялари
2	5A110901	Педагогика назарияси ва тарихи (фаолият тури бўйича)
3	5A111101	Муסיқа таълими ва санъат
4	5A111201	Ўзбек тили ва адабиёти
5	5A111601	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари)
6	5A112001	Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси
7	5A120101	Адабиётшунослик: ўзбек адабиёти рус адабиёти тожик адабиёти
8	5A120102	Лингвистика: ўзбек тили рус тили тожик тили
9	5A120301	Ўзбекистон тарихи
10	5A120302	Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
11	5A120304	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)
12	5A120401	Археология
13	5A120503	Этика ва эстетика
14	5A130101	Математика (йўналишларлар бўйича)
15	5A130102	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
16	5A130103	Дифференциал тенгламалар ва математик физика
17	5A130202	Амалий математика ва ахборот технологиялари
18	5A140101	Биология (фан йўналиши бўйича)
19	5A140103	Ихтиология ва гидробиология
20	5A140104	Биотехнология
21	5A140108	Зоология
22	5A140201	Назарий физика
23	5A140202	Физика (йўналишлар бўйича)
24	5A140203	Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш
25	5A140204	Конденсирланган ҳолатлар физикаси ва материалшунослик
26	5A140205	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси, тезлаштирувчи техника
27	5A140302	Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси
28	5A140401	Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича)
29	5A140501	Кимё (фан йўналиши бўйича)
30	5A140502	Материаллар ва моддалар кимёси (материаллар бўйича)
31	5A140602	География (ўрганиш объекти бўйича)
32	5A141001	Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича)

33	5A141101	Гидрология (ўрганиш объектлари бўйича)
34	5A2300101	Иқтисодий назария
35	5A2300110	Демография. Меҳнат иқтисодиёти
36	5A231701	Кадрлар менежменти
37	5A630102	Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

*\*Бакалаврият ва магистратура таълим йўналишларида ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Иккинчи олий таълим бўйича талабалikka қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан рухсат берилган йўналишлар учун амалга оширилади.

28. Университетда таълим жараёнини ташкил этиш, университет томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, университет ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш асосида ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларини танлаш йўли билан университет талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштиришлари учун зарур шароитлар яратиб берилди.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Университетнинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ёшлар билан ишлаш бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

29. Университетда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, яқка машғулот (амалий ижрочилик билан боғлиқ бўлган санъат йўналишларида), назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 минут бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек, рус, тожик ҳамда инглиз тиллари.

30. Университетда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олиб борилади.

Университетнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

31. Университетда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультетлар деканларининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолаш

тизими тўғрисидаги низом”га (2018-2019 ўқув йилидан бошлаб қабул қилинганлар учун) ҳамда “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг Якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом”га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

32. Университетда илғор педагогик ва инновацион ахборот технологияларини, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизимини қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим: докторантура:

01.01.01	Математик анализ
01.01.02	Дифференциал тенгламалар ва математик физика
01.01.06	Алгебра
01.02.04	Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси
01.02.05	Суюқлик ва газ механикаси
01.04.05	Оптика
01.04.07	Конденсирланган ҳолат физикаси
01.04.09	Магнит ҳодисалар физикаси
01.04.10	Яримўтказгичлар физикаси
01.04.11	Лазер физикаси
02.00.01	Ноорганик кимё
02.00.02	Аналитик кимё
02.00.03	Органик кимё
02.00.04	Физик кимё
02.00.06	Юқори молекуляр бирикмалар кимёси
02.00.12	Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология
03.00.05	Ботаника
03.00.06	Зоология
03.00.07	Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси
03.00.08	Одам ва ҳайвонлар физиологияси
03.00.10	Экология
03.00.13	Тупроқшунослик
05.13.01	Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
05.01.07	Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
06.01.08	Ўсимликшунослик
07.00.01	Ўзбекистон тарихи
07.00.07	Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари
07.00.03	Жаҳон тарихи
08.00.01	Иқтисодиёт назарияси
08.00.05	Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.10	Демография, меҳнат иқтисодиёти

09.00.01	Онтология, гносеология ва логика
09.00.02	Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
09.00.04	Ижтимоий фалсафа
10.00.01	Ўзбек тили, ўзбек адабиёти
10.00.05	Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
10.00.06	Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик, лингвистик таржимашунослик
11.00.01	Табий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимёси
11.00.03	Қуруқлик гидрогеологияси. Сув ресурслари. Гидрохимё
13.00.01	Педагогика назарияси ва тарихи, таълимда менежмент
13.00.02	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)
19.00.05	Ижтимоий психология. Этнопсихология
22.00.01	Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар
22.00.02	Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Изоҳ:** СамДУнинг илмий-тадқиқотлар йўналишларидан келиб чиқиб, янги докторантура ихтисосликлари очилиши, мутахассисликлар йўналишлари ўзгариши мумкин.

33. Олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид муносабатлар амалдаги қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низомга” асосан тартибга солинади.

Университетда ихтисосликлар бўйича фан доктори (DSc) ва (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини берувчи ОАК томонидан тасдиқланган илмий кенгашлар фаолият кўрсатиши мумкин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича касбий таълим дастурлари амалга оширилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

35. Университетнинг илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар ва илмий изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий-тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари.

## **V. Университетнинг таркиби.**

36. Университетнинг таркибига қуйидагилар киради:

### **а) факультетлар:**

1. Биология.
2. Кимё.
3. Механика-математика.
4. География ва экология.
5. Жисмоний маданият.
6. Психология ва ижтимоий фанлар.
7. Иқтисодиёт ва бизнес.
8. Амалий математика ва информатика.
9. Педагогика.
10. Тарих.
11. Физика.
12. Филология.
13. Рус филологияси.
14. Мактабгача таълим.
15. Санъатшунослик.
16. Халқаро таълим дастури.
17. Сиртки (махсус сиртки) бўлим.
18. Тайёрлов маркази.
19. Академик лицей.
20. Университет ҳузуридаги аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаб.

### **б) кафедралар:**

1. Математик анализ.
2. Алгебра ва геометрия.
3. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика.
4. Дифференциал тенгламалар.
5. Математик физика ва функционал анализ.
6. Назарий ва амалий механика.
7. Математик моделлаштириш.
8. Ахборотлаштириш технологиялари.
9. Оптимал бошқарув методлари.
10. Ядро физикаси ва астрономия.
11. Қаттиқ жисмлар физикаси.
12. Назарий физика ва квант электроникаси.
13. Оптика.
14. Умумий физика.
15. Ботаника.
16. Зоология.



17. Ўсимликлар физиологияси ва микробиология.
18. Генетика ва биотехнология.
19. Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биокимё.
20. Органик ва биорганик кимё.
21. Аналитик кимё.
22. Ноорганик кимё ва материалшунослик.
23. Физикавий ва коллоид кимё.
24. Гидрометеорология.
25. География ва табиий ресурслар.
26. Ижтимоий-иқтисодий география.
27. Экология.
28. Мумтоз адабиёт тарихи.
29. Истиклол даври адабиёти ва адабиёт назарияси.
30. Амалий тилшунослик, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси.
31. Ўзбек тилшунослиги.
32. Тожик тили ва адабиёти.
33. Хорижий шарқ тиллари.
34. Рус тилшунослиги.
35. Рус ва чет эл адабиёти.
36. Роман ва герман тиллари.
37. Рус тили.
38. Инглиз тили.
39. Археология.
40. Жаҳон тарихи.
41. Тарихшунослик ва манбашунослик.
42. Ўзбекистон тарихи.
43. Фалсафа.
44. Психология.
45. Ижтимоий фанлар.
46. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя.
47. Кадрлар менежменти ва бизнес.
48. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик.
49. Иқтисодий назария.
50. Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси.
51. Меҳнат таълими.
52. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси.
53. Мусиқа таълими.
54. Мактабгача таълим назарияси ва методикаси.
55. Бошланғич таълим методикаси.
56. Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти.
57. Педагогика.
58. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси.
59. Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт.
60. Спорт турларини ўқитиш методикаси.
61. Спорт педагогик маҳоратини ошириш.
62. Спорт физиологияси ва тиббий билим асослари.
63. Хорижий шарқ тиллари.

## **Илмий тадқиқот маркази таркибидаги лабораториялар:**

1. Экологик тизимлар ва асбоблар лабораторияси.
2. Ядро физикаси лабораторияси.
3. Биометодлар лабораторияси.
4. Ночизикли оптика лабораторияси.
5. Магнит ҳодисалари физикаси лабораторияси.
6. Молекуляр люминесценция лабораторияси.
7. Молекуляр спектроскопия лабораторияси.
8. Лазер спектроскопияси лабораторияси.
9. Газлар таҳлили лабораторияси.
10. Хромотография лабораторияси.
11. Астрономия илмий-ўқув маркази.
12. Зоология ўқув-илмий музей-лабораторияси.
13. Археология ўқув-илмий музей-лабораторияси.
14. Геология ва полианталогия ўқув-илмий музей-лабораторияси.
15. “Навоий музейи” илмий-амалий музей-лабораторияси.
16. Оранжерея ўқув-илмий лабораторияси.
17. Ботаника боғи ўқув-илмий лабораторияси.

## **г) университет бўлимлари:**

1. Ректорат.
2. Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими.
3. Ички назорат ва мониторинг бўлими.
4. Ўқув-услубий бошқарма.
5. Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими.
6. Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.
7. Ахборот технологиялари маркази:
  - а) ахборот тизимларини жорий этиш бўлими;
  - б) тармоқни бошқариш бўлими;
  - в) техник қўллаб-қувватлаш бўлими;
  - г) ахборот-хавфсизлиги бўлими.
- 8. Ахборот-ресурс маркази:**
  - а) илмий услубий ва ахборот-маълумот (даврий нашрлар) бўлими;
  - б) ахборот-кутубхона ресурсларини бутлаш ва катологлаштириш, тизимлаштириш бўлими;
  - в) ахборот-кутубхона ресурслари (абонентларга хизмат кўрсатиш, ўқув заллари ва китобларни сақлаш);
  - г) электрон ахборот-ресурслари бўлими.
9. Таҳририй-нашриёт бўлими.
10. Халқаро ҳамкорлик бўлими.
11. Режа-молия бўлими.
12. Бухгалтерия.
13. Ходимлар бўлими.
14. Биринчи бўлим.
15. Иккинчи бўлим.
16. Девонхона ва архив.

17. Ўқитишнинг техник воситалари бўлими.
18. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими.
19. Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими.
20. Ботаника боғи.
21. Астрономия илмий-ўқув маркази.
22. Спорт-соғломлаштириш маскани.
23. Талабалар турар жойлари.
24. Ҳарбий кафедра.
25. Тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш гуруҳи.
26. Магистратура бўлими.

Университет вилоятдаги ихтисослаштирилган мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари билан таълим ва тарбиянинг барча соҳаларини қамраб олган ҳолда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяди.

Самарқанд Давлат университети ҳузурида аниқ ва табиий фанларни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган мактаб фаолият юритади. Ихтисослаштирилган мактаб умумий таълим тизимининг иқтидорли ўқувчиларига таълим ва тарбия беришга мўлжалланган алоҳида бўғини бўлиб, у ўқувчи ёшларга тегишли давлат таълим стандарти асосида VII-XI синфлар ҳажмида умумий ҳамда физика, математика, кимё ва биология фанларидан кучайтирилган таълим дастурларига мувофиқ чуқур билим берувчи таълим муассасасидир.

Университет тасарруфида академик лицей фаолият кўрсатади. Академик лицейда ўқувчиларининг ўқишга кириш кўрсаткичларини кўтариш учун профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятидан юқори даражада фойдаланилади.

Ёшларнинг олий таълим муассасаларида ўқишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиб, уларни ўқишга кириш синовларига самарали тайёргарлик кўриши бўйича мурожаатларини қондириш, шунингдек, тайёрлов курслари орқали умумтаълим фанлари бўйича билимини ошириш мақсадида университетда тайёрлов маркази фаолият олиб боради.

Вилоятдаги ва қўшни вилоятлардаги мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун ҳар томонлама етук малакали кадрлар тайёрлайди. Ёш ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиб, уларга “маҳорат дарслари”, ва “очиқ дарслар” ўтказиб, юқори малакали ўқитувчилар бўлиб етишишига кўмаклашади. Таълим муассасаларидаги ёш иқтидорли ўқувчиларни “Устоз-шоғирд” тизими орқали университетнинг профессор-ўқитувчиларига бириктириб, уларнинг билим олишларига, илмий иш билан шуғулланишларига ёрдам беради.

#### **VI. Университетни бошқариш.**

37. Университетни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу устав, университет Кенгаши, васийлар кенгаши ва жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида ректор томонидан амалга оширилади.

38. Университетни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги 137-ф сонли фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор университет фаолиятига, шунингдек, университетнинг ички-тартиб қоидалари, олий таълим тўғрисидаги низом ҳамда мазкур уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўлиқ масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ университет номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий таълим муассасасининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида университетнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Университет ректорининг ваколати:

- университетнинг барча профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

- вазирлик(идора)лар билан келишган ҳолда номзодларни факультетлар деканлари ва бош ҳисобчи лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

- университет проректорлари лавозимига номзодлар тавсия этади, проректорлар, деканларнинг лавозим вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

- университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари, хизматчиларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва ишдан бўшатишни амалга оширади;

- университет таркибига кирган илмий-тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- университет ходимларининг лавозим маошларига ойлик устамалар ва кўшимчаларни белгилайди;

- касаба уюшмаси кўмитаси ёки университетнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда ички тартиб-қоидаларини тасдиқлайди;

- университетнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид бўлган тақдирда буйруқларни бекор қилади;

- университетда намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, университет ходимларининг тасдиқланган сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида университет профессор-ўқитувчилари таркиби ва университет ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди;

- университет Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки тугатиш ҳақидаги қарорларини тасдиқлайди.

“Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда университет Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Университет ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

39. “Олий таълим тўғрисидаги низом”га мувофиқ университет фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун университет Кенгаши ташкил этилади.

Ректор кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар, факультетлар деканлари ҳамда айрим мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва университет ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-

ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиган аъзолар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг кенгаши тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

Университет Кенгаши низоми Самарқанд Давлат университети Кенгашининг 2019 йил 31 майдаги мажлиси 11-сонли баёни қарори билан тасдиқланган бўлиб, у Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 февралдаги 181-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 мартдаги 214-сонли буйруғи асосида шакллантирилган.

40. Университетда уни бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

41. Университетда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг олий таълим муассасасида сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимлар ваколатли органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан университет маъмуриятининг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- амалдаги низомларга мувофиқ университетда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин;

- ректор ва университет кенгаши ўз фаолиятида олий таълим муассасаси жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

42. Университет таркибидаги факультетни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги низом”га амал қилади.

“Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисидаги низом”га мувофиқ факультетда кенгаш ташкил этилади.

Факультет кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасаси факультетининг кенгаши тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ танлов асосида университет кенгаши томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “Олий таълим муассасасининг кафедраси тўғрисидаги низом” билан белгиланади.

## **VII. Молия-ҳўжалик фаолияти ва моддий-техник база.**

43. Университетга ушбу уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкӣ мажмуалар, университетнинг паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек, истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

Университет фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва

хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган. Университетга ажратилган ер участкалари муддатсиз, текин фойдаланиш учун бириктирилган.

44. Университетга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкӣ объектларга, олий таълим муассасаси фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек, ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинadиган мулкӣ объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

45. Университет мол-мулкни ижарага олувчи ва бўш турган мол-мулкни давлат мулкни ижарага бериш маркази орқали фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни университет кенгашининг розилиги билан, тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлардан таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

46. Университетнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

47. Университет асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириши мумкин. Университет шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Университет ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

48. Университетда ишловчи ходимларнинг лавозим маошлари меҳнат шартномаси тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом” ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Университет ходимига лавозим маоши (ставка) ўз функционал вазифаларини ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини университет мустақил, иш ҳақи фонди доирасида, қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

49. Университетда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналар ажратилади ва уларнинг иш фаолият олиб боришларига шароит яратилади.

Университет талабалар турар жойларидаги жиҳозларни янгилаб туради. Талабалар турар жойларини доимий равишда иссиқ сув, совуқ сув ҳамда табиий газ билан

таъминлайди. Бунинг учун талабалар турар жойларини сақлашга кетаётган ҳақиқий харажатлар ҳисобидан келиб чиққан ҳолда калькуляция асосида ҳар бир талабадан талабалар турар жойида яшаганлиги учун тўловлар ундириб борилади.

Университетга тегишли биноларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **VIII. Халқаро ҳамкорлик.**

50. Университет Ўзбекистон Республикаси олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳаларида халқаро ҳамкорлик бўйича қуйидаги тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга:

- университет кенгашининг қарорига биноан хорижий давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар, икки томонлама диплом бериш тўғрисидаги келишувлар тузиш, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорликда факультет ва филаллар ташкил этиш;

- талабалар, илмий тадқиқотчилар, педагогик ва илмий ходимлар билан икки томонлама алмашиш дастурида иштирок этиш;

- ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, конгресслар, симпозиумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

- хорижий юридик шахсларнинг буюртмалари бўйича фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотларни, шунингдек, тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш;

- олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълимни такомиллаштириш халқаро дастурларида иштирок этиш.

51. Университет Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этиш, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Университетда чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органи билан хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари ўртасидаги шартномалар, шунингдек, университетнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

52. Университет :

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;

- хорижий шериклар иштирокида университетнинг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек, халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

54. Университетнинг ташқи иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлар қонунчиликка биноан унинг уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

### **IX. Яқуний қоидалар.**

55. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганида;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганида;
- таълим жараёни вақтида олий таълим муассасасида таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етганида;
- таълим олувчилар ва олий таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганида;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар учун жавоб беради.

56. Университет Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

57. Университетнинг уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Самарқанд Давлат университетининг устави Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 1 июлдаги 257-сонли буйруғи асосида, унинг иловасида келтирилган намунавий уставда белгиланган тавсияларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.*

*Мазкур устав  
Самарқанд Давлат университети  
кенгашининг 2019 йил 30  
декабрдаги 5-сонли мажлисида  
муҳокама қилиниб, тасдиқланган.*

Ўқув ишлари бўйича проректор \_\_\_\_\_ А.Солеев

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор \_\_\_\_\_ А.Эштаев

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор \_\_\_\_\_ Х.Хушвақтов

Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор \_\_\_\_\_ И.Рахмонов

Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор \_\_\_\_\_ М.Носиров





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУҚ

Тошкент шаҳри

„1“ июль 2010 й. 257

## Олий таълим муассасасининг Намунавий Ички тартиб қоидалари хамда Уставини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 174-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 5-сон қарори билан тасдиқланган таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш Тартибига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июль 341-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ идоравий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъий назар республиканинг олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида

### БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасасининг **Намунавий Ички тартиб қоидалари** ҳамда Устави 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
2. Олий таълим муассасалари ректорларига:  
олий таълим муассасаси Ички тартиб қоидаларини ҳамда Уставини ишлаб чиқишда ушбу ҳужжатлардан фойдаланиш **тавсия этилсин**.
3. Ушбу ҳужжатларда тавсия этилаётган тартиб асосида ишлаб чиқилган олий таълим муассасасининг Ички тартиб қоидалари ҳамда Устави Илмий Кенгашда муҳокама қилиб, шунингдек таълим муассасасининг касаба уюшмаси кўмиталари билан келишиб ректор томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга кириши ва қўлланиши белгилаб қўйилсин.
4. Вазирликнинг 1998 йил 19 январь 15-сон “Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари У.Ташкенбаев зиммасига юклатилсин.



*Б. Ходиев*

Б.Ходиев





